

ДОРИВОР ДАЛАЧОЙ (H. PERFORATUM L.) НИНГ ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА  
АҲАМИЯТИ

Аннамуратова Д.Р.,  
б.ф.н., доцент, УрДУ.

Жуманазарова Н.Р.  
ўқитувчи, УрДУ.

Полвонов Б. И.

биология йўналиши 4- курс талабаси, УрДУ

**Аннотация.** Доривор далачойнинг дориворлик хусусиятлари ўрганилди. Далачой шифобахш бўлиб, унинг таркибида кўп миқдорда витамин С, фитонцидлар, эфир мойлари, флавоноидлар, органик кислоталар, микроэлементлар шунингдек ошловчи аччиқ моддалар учрайди

**Калит сўзлар.** Далачой, дамлама, флавоноидлар, эфир мойи, органик кислоталар ошловчи моддалар.

Ўлкамизнинг ўсимликлар дунёси ўзининг хилма-хиллиги, ўзига хос хусусиятлари ва шифобахшлиги билан ажралиб туради. Доривор ўсимликларнинг серҳосил навларини танлаб олиш, уларни чатиштириш билан экиладиган доривор ўсимликларнинг ҳосилдорлигини ва таркибидаги биологик фаол моддалар миқдорини ошириш мумкин.

Ҳозирги кунда шифобахш гиёҳлардан тайёрланган дори-дармонларга бўлган талаб сезиларли холда ўсиб бормокда. Ватанимиз ўсимликлар дунёси - флораси ўсимликларга бой. Улардан ҳар йили минг тонналаб тайёрланади ҳамда касалликларни даволаш ва олдини олиш учун ишлатилади.

Шифобахш гиёҳларнинг алоҳида ёки турли йиғмаларини дори-дармон тайёрлаш учун ишлатганда, улардан тўғри ва оқилона фойдаланиш лозим.

Шифобахш гиёҳлар фақатгина ер устки қисми шох-шаббалари, танаси, пўстлоғи, куртаги, барги, гуллари, саватчалари, мевалари ва уруғлари шифобахш хусусиятга эга бўлибгина қолмасдан, балки илдизи, илдизпояси, илдизмеваси, тугунаклари ҳам шифобахшдир. Далачой Ўзбекистоннинг деярли ҳамма вилоятларида учрайди. Бу ўсимлик йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, ўтлоқларда, бедазорларда, боғларда, бутазорларда, тоғларнинг ён бағирларидан бошлаб, ўрта қисмларигача бўлган майда тош-тупроқли жойларда ўсади. Июнь-август ойларида гуллайди [1].

Тиббиётда далачайнинг ер устки қисми ишлатилади. Ўсимлик гуллаш даврида уни учидан 15-20 см узунликда ўриб олинади ва соя ерларда қуритилади. Сўнгра янчиб, ғалвирдан ўтказилиб олинади. Йирик поялари ташлаб юборилади. Далачай таркибида флавоноидлар, эфир мойи, ошловчи ва бошқа моддалар бор[1].

Абу Али ибн Сино далачай ўсимлигини турли яраларни даволашда ҳамда оғрик қолдирувчи ва сийдик хайдовчи дори сифатида ишлатган. Ҳалқ табобатида далачайнинг ер устки қисмидан тайёрланган дамлама буйрак, қовук, меъда-ичак (ич кетиш) касалликларини даволашда қўлланилади. Булардан ташқари қон тўхтатувчи (ички органлардан қон оқишида ёки қон тупурганда) дори сифатида ишлатилади. Бунда янги узилган баргини майдалаб, эзиб, ярага қўйиш тавсия этилади [2].

Далачай ўсимлигидан дамлама тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга бир стакан қайнаб турган сув қуйиб, устига ўсимликнинг майдаланган ер устки қисмидан 10 гр ( 2 ош қошиқда) солинади ва дамлаб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Дамламадан кунига 2-4 маҳал овқатдан кейин бир ош қошиқдан ичилади [4].

Далачай ўсимлигининг доривор препаратлари буриштирувчи, антисептик, ва яра тўқималарни тез битирувчи таъсирга эга бўлганлиги учун ишлатилади, шунингдек, меъда-ичак ( колит, ич кетиш), оғиз бўшлиғи (гингивит, стоматит) касалликларини даволашда ишлатилади [2].

Далачай организмдаги тўқималар регенерациясига ёрдам беради. Унинг препаратлари микробларга қарши таъсир қилувчи хусусиятга эга.

Далачайдан куйишда ҳосил бўлган очик ҳамда инфекциялашган яраларни даволашда ишлатиладиган иманин ва новоиманин олинади. Иманин акушерликда тери ва териости клетчаткасини шамоллашдан даволайди ва бошқа мақсадда ишлатилади [3].

Кўпгина тадқиқотлар натижасида далачайнинг экстракти кризис ҳолатларда эффектив антидепрессант эканлиги маълум бўлди. Ўсимликнинг спиртли тиндирмаси уйқусизликка қарши ва кайфиятни ҳамда меҳнат қобилиятини кўтарувчи восита сифатида ҳам қўлланилиши мумкин.

Юқоридаги таърифлар далачайнинг ер устки қисмининг қанчалик доривор хусусиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари ўсимликнинг ер остки қисми ҳам табобатда ишлатилади яъни, илдизи суяк сили ва ичбуруғ (дизентерия) касалликларида фойдаланилади [2].

Далачайнинг гуллаган новдалари спиртли ичимликларга хушбўй таъм беришда ишлатилади. Бундан ташқари, ўсимликнинг новда ва гуллари газлама ва жун матоларга қизил рангнинг хар хил жилоларига бўяшда қўлланилган. Баъзида ер устки қисми таркибидаги қаттиқлаштирувчи модда ҳисобига чарм матоларини қаттиқлаштиришда фойдаланилган.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Қаршибоев Ҳ.К., Ашурметов О.А. Ўсимликларнинг кўпайиш биологияси. – Гулистон, 2002. 99 б.
2. Холматов Х.Х., Ахмедов У.А., Холматов Р.Х. Сабзавот, мева ва зиравор ўсимликлар овқатми ё дорими. - Тошкент: EXTREMUM PRESS, 2011. – 175 б.
3. Холматов Х.Х. Доривор ўсимликлар. -Тошкент: Ибн Сино, 1994.-365 б.
4. Холиқов К. Ўзбекистоннинг жанубидаги доривор ўсимликлар. - Тошкент: Мехнат, 1992. - 76 б.
5. <http://www.planetarium.ru>.
6. <http://www.florafinder.com>.